



АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

Оилангизга тинчлик, хотиржамлик, жамиятимизга юксак тараққиёт, осойишталик, файзу барака тилаб, "Оила ва жамият" газетасига обуна давом этаётганини маълум қиламиз. 25 йил давомида сизнинг дилдошингиз бўлган газетамиз билан 2017 йилда ҳам бирга бўласиз, деган умиддамиз.

Обуна индекси – 176

Оила ва

Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади.

Ислоом КАРИМОВ

Жамият

49 (1304)-сон 7 декабрь 2016 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган



МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ САЙЛОВНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИНИ ЭЪПОН ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида ўтказилган брифингда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижалари тўғрисида маълумот берилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов 2016 йилнинг 4 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови миллий сайлов қонунчилиги ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган демократик принциплари асосида очиқ ва ошқора ўтказилганини таъкидлади.

Президент сайловининг тарихий ва сиёсий аҳамиятини чуқур тушунган кўпмиллатли Ўзбекистон халқи яна бир бор ўзининг Ватанимиз тақдирига дахлдорлик туйғусини, гражданлик позициясини намойиш этиб, овоз беришда юксак сиёсий фаоллик билан иштирок этди, — деди Марказий сайлов комиссияси раиси.

Сайловчилар рўйхатида киритилган 20 миллион 461 минг 805 нафар сайловчининг 17 миллион 951 минг 667 нафари овоз беришда иштирок этди. Бу сайловчилар умумий сонининг 87,73 фоизини ташкил этади. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддасига мувофиқ бу Президент сайлови ўтганлигидан далолат беради.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини бешта халқаро ташкилот — Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти-

нинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислоом ҳамкорлик ташкилоти, шунингдек, 46 давлатдан 600 га яқин кузатувчи кузатиб борди.

Сайловда иштирок этган тўртта сиёсий партиянинг 37 мингдан зиёд вакили ҳам овоз бериш ҳамда овозларни санаб чиқиш жараёнини кузатиб борди. Сайлов комиссиялари томонидан уларнинг фаолият кўрсатиши учун барча шарт-шароит яратиб берилди.

Сайлов кампаниясини мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 1 минг 400 нафардан зиёд вакили кенг ёритмоқда.

Овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнида сайловга оид қонун ҳужжатлари талаблари бузилгани ҳақида Марказий сайлов комиссиясига сайловчилар, сиёсий партиялар кузатувчилари, халқаро ва хорижий кузатувчиларидан мурожаатлар келиб тушмаган.

Марказий сайлов комиссияси раиси 4 декабрь куни овоз бериш якунлангач, сайлов участкаларида Президентликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг кузатувчилари, халқаро кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари кузатуви остида ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозларни алоҳида-алоҳида санаб чиқиш ишлари бошланиб, бу жараён охирига етганича танаффуссиз давом эттирилганини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижаларига

қўра, Сарвар Садуллаевич Отамуратовга 421 минг 55 нафар ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 2,35 фоизи, Шавкат Мирзиёевга 15 миллион 906 минг 724 фуқаро ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 88,61 фоизи, Хатамжон Абдурахмонович Кетмоновга 669 минг 187 фуқаро ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 3,73 фоизи, Наримон Маждидович Умаровга 619 минг 972 фуқаро ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 3,46 фоизи овоз берган.

Шундай қилиб, 2016 йил 4 декабрь куни ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Шавкат Мирзиёев ғалаба қозонди.

Брифингда айни пайтда Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган протокол ва бошқа ҳужжатларни кўриб чиқаётгани маълум қилинди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, ушбу ҳужжатлар, зарур бўлса, айрим участка сайлов комиссиялари материалларини Марказий сайлов комиссияси яна бир марта синчиклаб текширади ва шундан сўнг сайлов натижаси бўйича қарор қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари тўғрисидаги ахборот сайловдан кейин ўн кундан кечиктирилмай, яъни 2016 йил 14 декабрда Марказий сайлов комиссияси томонидан матбуотда эълон қилинади.

Бехзод Бозоров, ЎЗА

ИЖТИМОЙ МАНФААТЛАР ҲИМОЯСИ

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови юқори даражада ўтди, — дейди Тошкент педагогика коллежи ўқитувчиси Зуҳра Умарова. — Унда мен ҳам ўз келажагим, юртимизнинг тинчлиги ва фаровонлиги учун овоз бердим. Бу ҳам хотин-қизларнинг давлат ва жамоат ишларида тенг ҳуқуқли эканини англатади.

3-бетда



“ҒАЛАБАДА ОНАМНИНГ ҲИССАСИ БОР”

4-бетда

КИТОБ СЎТУВЧИ ВУҚИЙДИМИ?

Инсоният XXI асрга қадам қўйди. Ахборот асри башариятга шу даражада кўп имкониятлар ҳада этдики, санаб адоғига етиш мушкул. Бироқ ҳали дунёнинг очилмаган кўриқлари, инкишоф этилмаган кашфиётлари бисёр. Кўриқларни очиш, кашфиётларни янгилашда инсоният барибир яна китобга суянади. Аммо орамизда китоб ўқиш фақат пул топиш учун керак, деб ўйловчилар ҳам йўқ эмас.

5-бетда



ХУҲАЙЛИМКОНИДАГИ ОЛТИ АСРАЛК ЧИНОР

6-бетда

КОНСТИТУЦИЯГА РИОЯ ҚИЛИШ МУҲИМ

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 63-модда.

Конституциямизда белгиланган оиланинг жамият ва давлат муҳофазасида бўлишини таъминлаш адлия органлари фаолиятида муҳим ўрин тутаяди. Жиззах шаҳар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими томонидан жорий йилнинг ўтган даврида никоҳдан ўтувчи 860 жуфтлик билан оиланинг қонуний асослари тўғрисида суҳбат ўтказилган.

Жиззах вилояти марказидаги замонавий бинода жойлашган "Бахт уйи"да жорий йилнинг ўтган даврида 860 жуфт келин-куёв никоҳдан ўтган. 5 мингдан зиёд туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёзилган.

– Конституциямизда жамиятнинг асосий бўғини, деб кўрсатилган оилани мустақамлашга қаратилаётган алоҳида эътибор самараси муассамизга келаётган ёшлар ҳаётида ҳам ўз ифодасини топмоқда, – дейди Жиззах шаҳар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудири С.Урозалиева. – Бугунги кунда никоҳдан ўтишга келаётган жисмонан соғлом, юксак маданиятли ёшларни кўриб қувонаман. Жорий йилда никоҳдан ўтган 1 минг 720 ёшнинг ҳеч бирида турмуш қуришга зарар етказувчи касаллик учрамагани ҳам мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш йўлида яратилаётган шароит самарасидир.

Соғлом фарзанд соғлом оилада дунёга келади. Никоҳни қайд этишда тиббий кўриқдан ўтиш зарурий

шартлардан бири сифатида талаб қилинаётгани оила қураётган ёшларнинг жисмоний соғломлиги, оилалар мустақамлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими никоҳларни расмийлаштириш билан бирга, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар,



тиббий, маънавий-ахлоқий мезонлар талабларини чуқур тушунтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Никоҳдан ўтувчилар бир ой аввал ариза билан мурожаат қилиши улар билан маърифий суҳбатлар ўтказиш имконини беради. Бу даврда улар бўлим қошида фаолият кўрсатаётган "Оила" дорилфунуни машғулотларида иштирок этиб, никоҳ шартлари, мустақил оила қуриш масъулияти, тиббий-гигиеник талаблар, ахлоқий мезонлар билан танишмоқда.

"Оила" дорилфунуни, малакали тиббиёт ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг хотин-қизлар масалалари бўйича комиссиялари ҳамкорлигида эрта турмуш ва яқин қариндошлар ўртасида никоҳларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар мунтазам ўтказилаётгани ҳам қуриладиган оилалар мустақамлигида муҳим

омил бўлмоқда. Ушбу мавзулардаги тарғибот тадбирлари касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ташкил этилди. Маҳаллалар нурунийлари, тиббиёт ходимлари иштирокида ўтказилган тадбирларда ёшларга Конституциямиз ва қонунларимизда белгиланган оиланинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тиббий, ахлоқий талаблар тўғрисида кенг тушунчалар берилди.

Аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида маърифий тарғибот ишларининг кучайтирилгани тўғрисида айтаётганларида ҳам, ёшларда ҳам оила ва никоҳ қонунчилиги талабларига риоя қилишга эътибор ортмоқда. Бу аввало расмий никоҳдан ўтмасдан турмуш қуриш ҳоллари кескин камайганида кўриниб туради. Шаръий никоҳ билан турмуш қураётган ёшларнинг аксарияти тиббий кўриқдан ўтмаган бўлади. Оқибатда оиланинг соғлом бўлиши, соғлом фарзанд туғилиши кафолатланмайди. Шунинг учун аҳоли ўртасида ўтказилаётган учрашув ва суҳбатларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича тушунча берилмоқда.

Ҳуқуқий билим, айниқса, ўз ҳаёти, оиласига бевосита дахлдор бўлган оила ва никоҳ масалаларидаги қонунларни яхши билиш, унга риоя қилиш ҳар бир фуқаронинг, бутун жамиятнинг маданиятини белгиловчи муҳим жиҳатдир.

Тошқул Бекназаров,
Шерзод Назаров (сурат), ЎЗА

САЙПОВ ДЕМОКРАТИК РУҲДА ЎТДИ



Дитер Бранденбургер, Германия – Ўзбекистон дўстлик жамияти вице-президенти:

– Аҳолининг аксарияти сайловнинг муҳимлигини ҳамда овоз беришда қатнашиш зарурлигини тегаран ҳис этаётгани

уларнинг эрта тонгдан бу жараёнда фаол иштирок этишидан маълум бўлди. Ҳар бир фуқаро миллати, дини, ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга экани жуда эътиборлидир. Бу мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари таъминланганидан, ижтимоий тенглик қарор топганидан далолат беради.



Алихей Рзаев, «Авиамост» журнали муҳаррири (БАА):

– Кўзи ожиз фуқароларга брайль алифбосида сайлов мавзуда рисоалар ва махсус бюллетенлар чоп этилгани, ногиронларга овоз

бериш учун кабиналар тайёрлангани таҳсинга лойиқ. Инсонлар оиласи билан байрамона кайфиятда сайловга келди. Улар ўзи ва фарзандлари келажагини ташкиллаганини жуда яхши билади.

Журналистлар учун яхши имкониятлар яратилган. Ўзбекистон матбуотида эркин фаолият юритилишининг гувоҳи бўлдим. Пресс-клубда ҳамкасбларимиз билан мулоқот қилдик. Бирлашган Араб Амирликларида ташкил этилган сайлов участкасида фаолият юритаётган ходимлар билан ҳам боғланиб турибман. Улар сайлов очик ва ошқора ўтганини маълум қилди. Ўзбекистонга юртимда фаолият юритаётган бир қатор оммавий ахборот воситалари вакиллари келган.



Мухарбек Дидог, Россия Федерацияси Федерация кенгашининг муҳофизат ва хавфсизлик қўмитаси раиси ўринбосари:

– Ўзбекистон халқи Президент сайловида нафақат мамлакат ҳаёти,

балки ўзи ва оиласининг эртанги тақдирини учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга катта сиёсий жараён сифатида ёндашаётгани, аввало, кафолатли ва барқарор ҳаёт учун овоз бераётгани таҳсинга лойиқ. Самарқанд, Бухоро ва Тошкент шаҳарларида сайловга тайёргарлик ва сайлов жараёни билан бевосита танишиб, бунда аҳолининг барча қатлами учун тенг ва кенг имкониятлар яратилганига гувоҳ бўлдик.

Сайлов мамлакатининг қонунлари, халқаро демократик тамойиллари ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мос, ошқоралик, кўппартиявийлик, эркинлик, тенглик тамойилларига мувофиқ ўтди.

Аъло Абдуллаев
(сурат), ЎЗА

КОНСТИТУЦИЯ – БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Бундан 24 йил аввал қабул қилинган Конституция чин маънода ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлида ўзига хос пойдевор вазифасини ўтаб келмоқда. Фуқаролик жамияти барқарорлиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қонуний кафолати юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилишни таъминламоқда. Асосийси, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шахсий дахлсизлиги, сўз эркинлиги, фикр юритиш ва уни ифода этиш эркинлиги, жамоат ва бирлашмалар эркинлиги ҳам Бош Қомусимизда ифодалаб ўтилган.

Маълумки, Конституциямизнинг бошқа давлат конституциясидан фарқи шундаки, оила ботида оила жамиятнинг асосий бўғини ҳамда давлат муҳофазасида экани алоҳида ўрин олган. Никоҳни икки томон розилиги ва тенг ҳуқуқлилиги асосида қуриш аҳамиятга эгадир. Шунингдек, ота-оналарни фарзандлари вояга етгунга қадар боқиб ва тарбиялаш, меҳнатга лаёқатли фарзандларни ўз ота-оналарига ғамхўрлик қилишлари мажбурий эканлиги, етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаш, болаларга бағишланган хайрия фаолиятлари рағбатлантирилиши Конституциямизда келтириб ўтилган. 65-моддасида эса "Фарзандлар ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар қонун олдида тенг"лиги, "оналик ва болалик давлат томонидан муҳофазасида қилинади", деб таъкидланганида миллийлигимизга хос бағрикенгликни ёрқин намоён этади.

Ҳар кун қанчадан қанча одамларга фуқаролик далолатномаларини қайд этарканмиз, Бош Қомусимизнинг ҳар бир сатрида эл-юрт осойишталиги, унинг манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган дастуриламал мавжуд ва у амалда эканлигига амин бўламиз. Мустақиллигимизнинг абадий бўлишида, юртимизнинг гуллаб-яшнашида Конституциямиз муҳим пойдевор саналади.

Дилфуза МАҲМУДОВА,
Бўка тумани ФХДЭ бўлими мудири

Пойтахтимизнинг Яккасарой тумани Қушбеги болалар спорт мажмуида "Соғлом авлод учун" кубоги учун анъанавий XIII-Республика турнири ташкиллаштирилди.

СОҒЛОМ АВЛОД СОҒЛОМ МУҲИТДА ТАРБИЯЛанади

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган беллашувларда Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 10-12 ёшгача бўлган ёш стол тенниси усталари қизгин беллашди.

– Жиззах вилоятидан тўрт спортчи билан беллашувларга ҳозирлик кўрялман, – дейди мураббий Бахтиёр Одилов. – Улар 3 йилдан бери стол тенниси билан шуғулланади. Мусобақада ғолиблиқдан ҳам кўра, унда иштирок этиш муҳим. Негаки, айнан шу орқали улар келажақда юксак мақсадлар сари илдамлайди. Шогирдларим Маржона Шокирова, Фирдавс Ирсадиев, Шаҳзода Пиркулова ва Бехруз Набижоновдан умидим катта.

Ёш стол теннисчиларининг нозик, уздабурон ҳаракатларини кўриб, уларнинг келажаги порлоқ эканини англаш мумкин. Айниқса, Бухоро шаҳар 2-БЎСМ тарбияланувчилари, қашқадарёликлар иштироки мусобақа ташкилотчилари, ҳақамбақ томонидан юқори баҳоланди.

– Ўғлим Бобохон Комилов опаси Моҳирўйга ҳавас қилиб, жуда эрта шу спорт тури билан шуғуллана бошлади, – дейди касбилик Азизхон Бобоев. – Моҳирўй стол тенниси бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси. Умуман олганда, оилавий спортчиларимиз, десак хато эмас. Уларнинг муваффақияти меники ҳам. Спорт одамни чиниқтиради, қатъий характерни тарбиялайди.

Яккалик ва жуфтлик баҳсларида ўз имкониятларини синовдан ўтказган болалар орасидан энг маҳоратли, тажрибалиси финалга қадар етиб борди.

Ҳолилар ҳомий ташкилотлар томонидан муносиб тақдирланди.

О.ЖУМАОБОВ

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

ИЖТИМОЙ МАНФААТЛАР ҲИМОЯСИ

ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЭРКАКЛАР ТЕНГ
ҲУҚУҚЛИДИРЛАР.

Ўзбекистон Республикасининг
Конституцияси, 46-модда

Улар илгари, бундан 30-40 йил аввал фақат уй бекаси эди. Рўзгор иши, даладаги йиғим-терим, бола тарбияси, энг оғир юмушлар ҳам унинг зиммасига юкланарди. Айниқса, эски тузум даврида аёлларга нисбатан “Қаҳрамон аёллар” сифатида қаралгани ва улар давлат учун тайёр ишчини дунёга келтирувчи деб тушунилгани, бугун жамиятнинг энг фаоллари бўлиб хоҳ сиёсатда, хоҳ иқтисодда мамлакатимизнинг тараққиёти учун куч-гайратини баҳшида этаётган хотин-қизларга бироз эриш туюлиши, шубҳасиз. Негаки, улар ўзларининг иқтидорини, маҳоратини ҳар жабҳада намоён этишмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида таълим тизими, соғлиқни сақлаш, гендер тенглик, шунингдек, аёлларга гамхўрлик қилиш борасида юқори натижаларга эришилди, десак муболага эмас. Масалан, биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони ва уни

амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги давлат Дастури қабул қилингани алоҳида таъкидлаш керак.

Бугун жамиятимиз сиёсий жараёнларда хотин-қизларнинг фаоллигини таъминлаш борасида, эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилди. Биргина 2004 йили “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловлар тўғрисида”ги қонунга ўзгартишлар киритилди. Сиёсий партиялардан кўрсатилаётган жами номзодларнинг камида 30 фоизини хотин-қизлар ташкил этиши белгилан кўйилди. Албатта, бу ислохотлар давлат тараққиётида катта ўрин тутаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳақиқатан, бугун ишчи кучининг 45 фоизи, мамлакатимиз аҳолисининг 51 фоизи аёллардир.

Маълумки, қаерда ҳуқуқий, демократик шарт-шароитлар мўҳайё этилган бўлса, фуқаролар ўзи истаган ҳолда мамлакатнинг сиёсий ҳаётида фаол иштирок эта бошлайди. Уларнинг ҳуқуқ-манфаатларини амалга ошириш, ижтимоий-сиёсий



фаоллигини юксалтиришда бўлганда, фуқаролик жамияти институтларининг алоҳида ўрни бор. Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишнинг муҳим омилларидан бири – уларнинг сайловларда иштирок этишидир.

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови юқори даражада ўтди, – дейди Тошкент педагогика коллежи ўқитувчиси Зуҳра Умарова. – Унда мен ҳам ўз келажагим, юртимизнинг тинчлиги ва фаровонлиги учун овоз бердим. Бу ҳам хотин-қизларнинг давлат ва жамоат ишларида тенг ҳуқуқли эканини англатади. Шу орқали бевосита ва билвосита демократик жараёнларда фаол иштирок этаётганимиз янада куч-гайрат бағишлайди. Ҳатто

сайлов куни сайлов округида бўлган сайловчилар учун олдиндан овоз бериш ташкил этилгани, айниқса, аёлларга қўл келди. Биринчи марта овоз бераётган қизларнинг ҳис-ҳаяжонини айтмайсизми?..

Ўзбекистондаги 4 та сиёсий партияда хотин-қизлар иштироки йилдан йилга ўсиб бораётгани аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлиги янада юксалиб бораётганини кўрсатади. Энг эътиборлиси, сиёсий партиялар аёллар – тадбиркорлар, олимпиа ва зиёлилар, фермерлар, ҳунармандларнинг манфаатларини юзага чиқаришда муҳим вазифани бажараяпти.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида хотин-қизлар 18 фоизи, Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси Сенатида 15 фоизни, ижро этувчи органларда 3,4 фоизни, суд идораларида эса 22,7 фоизни ташкил этаётгани аёлларнинг мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутаётганини кўрсатади.

– Оилавий тадбиркорликни йўлга қўйдим, – дейди хусусий тадбиркор Файзинисо Шукурова. – Олдингида аёл уйда ўтириши керак, дегувчилар тобора камайаяпти. Ёш қизлар ҳам тадбиркорлик ортидан рўзгорга барака киритаёттир. Бу ҳам оилавий бюджетни шакллантиришда аёлнинг ҳам ўрни муҳимлигини билдиради.

Машхур ҳуқуқшунослардан бири шундай деганди: “Одамларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражаси мамлакатда қабул қилинган қонунларнинг сони билан эмас, балки одамларнинг ўша қабул қилинган қонунларни қай даражада билиши, уларга риоя қилиши билан ўлчанади”. Сирасини айтганда эса Бош Қомусимиз аёлларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоялашда дастуриламал бўлаётти.

Олим ЖУМАБОВ,
“Оила ва жамият”
муҳбири

ТАШАББУС ЎЗИМИЗДАН

Мамлакатимиз тарихида муҳим сиёсий жараён – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови юқори савияда ўтказилди.

Мен ҳам ушбу сиёсий жараёнда фаол иштирок этиб, конституцион ҳуқуқларимдан фойдаландим ва Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Шавкат Миромонович Мирзиёевга овоз бердим. Маҳалламиз худудидан ташкил этилган 113-сайлов участкасида жами 2998 нафар сайловчи бўлиб, шундан 77 нафар илк мартада овоз беришди. Ўша куни 18 ёшга тўлган қизимиз академик лицей ўқувчиси Гўзал Сатторовна ҳам муносиб номзодга овоз берди. Яна 10 нафар 100 ёшдан ошган сайловчиларнинг уйларида бордик.

...Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сайловчилар билан бўлган учрашувда қилган маърузасидаги “Зиёлилар рози бўлган мамлакат ҳар томонлама гуллаб-яшнайдиган”, деган фикри кўпчилиكنи руҳлантириб юрди. Негаки, шу мамлакатнинг соғлом ва баркамол авлодини тарбиялашда зиёли қатлам орасида менинг ҳам хиссам борлигини таъкидлашга маънавий ҳуқуқим, бор деб ўйлайман. Чунки 30 йиллик педагогик фаолиятим келажак авлодга таълим-тарбия беришдек масъулиятли вазифа билан боғлиқ. Шунингдек, ўқитувчилик билан бирга узоқ йиллар таълим соҳасида яъни ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, мактаб директори, вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли

ЧИҚСА...



“Вилоят маънавият ва қўшмича таълим” маркази директори каби лавозимларда ишладим.

Иш қонун маҳалладаги муаммоли оилалар билан учрашишдан бошланади. Ҳар куни камида бешта хонадонга кириб, вазиятни билиш, нурунийлар, кексалар ҳолидан хабар олиш анъанана айланган. Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардимки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев яна бир эзгу гоъни илгари суриб, юртимизда “Нуруний” жамғармаси фа-

олиятини янада жонлантириш, улар меҳнат қилаётган идоранинг штат бирлигини қайта кўриб чиқиш, шу маънода нурунийларимизга иззат-икром кўрсатиш, маҳаллаларда улар учун худди маслаҳатчи сингари яна қўшимча иш ўрни очиб тақлифини берди.

Айни пайтда маҳалламизда 5015 дан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган бўлса, шундан 51,6 фоизи (2590 нафар) ни хотин-қизлар ташкил этади. Ҳар бир хонадонга кириб, аҳолининг муаммоларини ечиш билан бирга, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш борасида тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борамиз. Натижада маҳалламизда сўнгги уч йилда 14 та оилавий ажримнинг олди олинди, 30 дан ортиқ нотинч оилалар соғломлаштирилди. Маҳаллада “Энг обод хонадон”, “Энг обод кўча” мавзуларида мунтазам ўтказиб туриладиган тадбирлар амалда натижасини кўрсатмоқда. Ўтган икки йил ичида “Энг намунали оила” кўрик-танловининг вилоят ва республика босқичларида Қудратовлар ҳамда Ҳақимовлар оиласи ғолибликни эгаллашди.

Маҳаллада хотин-қизларимиз тикувчилик, каштачилик, зардўзлик сингари ҳунарлар билан шугулланишлари учун шарт-шароит бор.

Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси БМТнинг UNWOMEN тузилмаси ҳамкорлиги ҳамда Микрокредит-банк кўмагида “Ўзбекистонда хотин-қизларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш” лойиҳаси асосида 2 та гуруҳда яъни 10 нафар хотин-қизларга кредит берилди. Шунингдек, маҳалланинг яна 18 нафар хотин-қизлари яқна тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилиб JUITA фирмаси орқали тикув машина-

Маҳалла фаолиятини

лари билан таъминланиб, тадбиркорлик билан шугулланишларига имконият яратилди. Бундан ташқари, ҳозир яна 25 нафар тадбиркорлик билан шугулланиш истагини билдирган хотин-қизлар рўйхати шакллантирилиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Кибриёхон Раҳимов раҳбарлигида “Асл нур файз текстел” масъулиятли чекланган жамият ташкил этилиб, маҳалладаги 11 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. “Гулираёно нур жилоси” хусусий корхонаси раҳбари Раънохон Нишоннова Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси томонидан ташкил этилган “Тадбиркор аёлнинг энг яхши лойиҳаси” танловининг “Энг яхши тадбиркор аёл лойиҳаси” номинацияси бўйича 2-ўрин, ҳунарманд Ш. Қўшбекова эса “Ташаббус” кўрик-танловининг вилоят босқичида уч йилдан бири совриндор бўлиб келмоқда. Ёшлар бандлигини таъминлашда уларнинг алоҳида ўрни бор.

Кейинги пайтда фаолиятимизни янада жонлантириш, эзгу мақсадларимизни амалга оширишда кўпроқ меҳнат қилишимиз кераклигини англаб бораёяман. Бугун эришаётган ютуқларимиз билан бир қаторда ҳали соҳада ечимини кутаётган муаммоларимиз бор. Агар ҳар қандай ташаббус дастлаб ўзимиздан чиқса ва бунга сидқидилдан ҳаракат қилсак, қўллаб муаммоларга барҳам беришимиз, шубҳасиз.

Зулфия ҚОРАБОЕВА,
Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани “Тошкент” маҳалла фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси



"ҒАЛАБАДА ОНАМНИНГ ҲИССАСИ БОР"

Самарқанд вилояти Ургут тумани қишлоқларида тўлтананалар курашсиз ўтмайди. Қўшни вилоятлардан ҳам полвонлару ишқибозлар келишади. Йигитман, дегани борки, ҳаммаси бу курашда ўзини синайди. Жорий йил Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XV Паралимпия ўйинларида дзюдо бўйича олтин медаль совриндори – ургутлик Ўткиржон Нигматовнинг ғалабасида ўша тўйлардаги курашнинг аҳамияти катта.

– Спорт ҳаётимга айланган, – дея гап бошлайди Ўткиржон.
– Шу сабаб мураббийим Илхом Холиқов билан шуғулланиб, кўплаб ҳудудий ва халқаро мусобақаларда иштирок этдим. 2014 йили АҚШда 2-ўрин, Латвияда ўтган гран-при мусобақаларида 1-ўрин, 2015 йили Жанубий Кореядаги Бутунжаҳон ўйинларида 1-ўрин ва жорий йил бошида Бразилиядаги гран-прида 1-ўрин ҳамда энг катта Рио-2016 паралимпия ўйинларида ҳам 1-ўринни эгалладим.

– Бу муваффақиятлар сири нимада, деб ўйлайсиз? Интизомми, ички энергиями, иштиёқми...

– Спортчи учун бу мусобақаларда иштирок этишнинг ўзи катта натижа, деб ўйлайман. Бирок, ҳамма ғалаба учун курашади. Дастлабки тайёргарлик юртимиздаги тоғли ҳудудда ўтди. Шу билан бирга, рақибларимнинг мусобақалардаги хатти-ҳаракатини интернетда кўриб, ўргандим. Биасизми, мураббийим билан Бразилиядаги вақт ҳисобида машғулотларни ўтказганмиз. Яъни, кундузи ухлаб, тунда машқ бажардик. Сабаби, у ернинг кун ва туни бизнинг вақтга тескари. Ана шу жараёнда бироз қийналдим. Лекин, бу катта ёрдам берди. Шу билан бирга, вазн ҳам катта аҳамиятга эга. Шунга айтса керакда, спорт инсонни мақсад ва сабрга ўргатади деб. Ҳозир 76 кг. вазндан 66

кг.га тушдим.

– Рақибингиз имкониятини қайси мезонлар асосида баҳолайсиз? Кучсиз рақиб йўқ, деган гап бор.

– Спортчи рақибини ўзидаги тайёргарликдан келиб-чиқиб, баҳолайди. Масалан, ўзим мусобақага тайёр бўлсам, ғалаба қозонишимга ишонман. Машғулотларни тўлиқ ба-



жармаган спортчи эса иккиланади ва ундаги кўркув мағлубиятга етаклайди. Шу билан бирга кузатувчанлик ҳам бунда муҳим. Ҳаракатни қандай бажаряпти, қайси бирида қийналяпти, умуман, ҳар бир спортчининг ўзига яраша камчилиги бўлади. Лекин яхши тайёргарлик, барибир ўз натижасини кўрсатади, деб ўйлайман.

– Мунтазам тайёргарлик, йиллаб қилинган меҳнат, муваффақиятлар сари

йўл, тилда айтишга осон... Спорт билан кечган онлардан қониқасизми?

– СамДУ жисмоний тарбия йўналишини тамомладим. Кўплаб давлатларда бўлдим. Қариндошлар, қўшнилар онамга ҳавасланганда, волидамнинг қувонгани мени ниҳоятда руҳлантирди. Маҳаллада оиламининг ҳурмати янада ошди. Шукрки, ўз ишим бор, оилам хотиржам. Энг катта бахт шу, менимча.

– Мураббий сизнинг-ча, қандай бўлиши керак? Шогирдларингизга эътиборингиз ўзингизни қониқтирадими?

– Менимча, мураббий аввало, ўз ишининг устаси бўлиши керак, у нафақат ўргатувчи, тарбиячи ҳамдир. У шогирдининг маънавий дунёсини ҳам шакллантириб, тарбиялаб бориши керак, деб ўйлайман. Индивидуал ёндашувда мураббий ана шу жиҳатларга эътибор бериши лозим. 60 нафардан ортиқ шогирдимга сабоқ бераёлман. Яқинда вилоят чемпионатида улар яхши натижага эришишди. Демак, олиб бораётган ишларим, фаолиятим ёмон эмас.

– Ҳам мураббий талабчан, ҳам ўзингизга ўзингиз. Бу ортиқча куч сарфлаш, энергияни бой беришга олиб келади, менимча...

– Йўқ. Тўғриси, мураббийимдан онам талабчанроқ. Машғулотми, ёки мусобақани барчасини сўзлаб берман. Шу вақтга қадар фақат битта мусобақага борган. Ушанда жиддий

жароҳат олганман. Онамнинг кўз ёшини кўриб, унинг меҳри чексиз эканини ҳис этганман. Шундан бери фақатгина жараёни ва натижани сўрайди.

Суҳбатимизни жимгина тинглаётган Гулистон опа гап бошлайди.

– Қишлоқ бўлгани учун уй юмуши, дала иши кўп. Шундан вақт ажратиб, кураш тўғрисида гап борди. Кейинчалик, Самарқанд шаҳридаги спорт мактабидан мунтазам дзюдо билан шуғулланди. Қийинчиликларга учраса ҳам унинг интилиши, ўзига ишончи, спортга қизиқиши сўнмади. Фарзандимнинг жароҳатларини, қийналаётганини кўриб, унга спортни ташлашини кўп айтганман. Ҳатто, жароҳат сабаб 6 ой шуғулланмасин ташхисдан сўнг ҳам дарров машғулотларга киришиб кетгани масъулиятли ва саботли эканини кўрсатади.

– Қаттиққўллик, қатъийлик унинг характерида сингиб кетган. Бу рўзгор тутумида сезиладими?

– Ўткир тўнғич ва ёлғиз ўғил бўлсада, меҳрибон, масъулиятли, жонкуяр. Болалигидан, ҳеч бир фарзандимни уришмаганман, лекин танбех бериб, тушунтириб, кези келганда, йиғлатганман. Ҳозир эса, болаларимнинг бахтли ҳаётидан шукрона айтиб яшаёлман. Набирам Маҳарбек 3 ёш, дадаси билан тонгда туриб машқ бажаради, бизнинг-ча у "Бўлажак жаҳон чемпиони". Ўғил ўстираётган она борки, уни Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшадиغان инсон бўлишини истайди. Мен ҳам ўзимнинг ана шу орзуимни фарзандим ғалабаларида кўрмоқданман. Набирамга қараб, у ҳам ота изидан боришини, чемпион бўлишини истайман.

Бор кучини ўзбек спортини дунёга танитишга сарфлаётган Ўткиржонга ўхшаган ёшларимиз жуда кўп. Аслида, уларнинг ғалабаларида мураббийлари қатори, онасининг ҳам ҳиссаси катта. Сабаби, улар яратган соғлом муҳит, ишончи, тарбияси спортчиларга шижоат бағишлайди.



Долзарб мавзу

Инсоният XXI асрга қадам кўйди. Ахборот асри башари- ятга шу даражада кўп имко- ниятлар ҳада этдики, санаб адоғига етиш мушкул. Бироқ ҳали дунёнинг очилмаган кўриқлари, инкишоф этил- маган кашфиётлари бисёр. Кўриқларни очиш, кашфиёт- ларни янгилашда инсоният барибир яна китобга суюнади. Аммо ораимизда китоб ўқиш фақат пул топиш учун керак, деб ўйловчилар ҳам йўқ эмас.



хузур бағишлайди, китобларга қараш эса ҳақиқий бахтир”, дея таъкидлаган Чарлз Лем. Сотувчилар ҳам бир кунда қанча китоб сотилаётгани эмас, наш- риётларда қандай янги китоблар чоп этиляпти, бугунги кунда китобхонлар қандай йўналишдаги китобларга қизиқиш билдиришяпти, шулар билан қизиқишса, яна ҳам яхши.

Бугун китоб савдосида “bestseller” атамаси урфга кир- ди. Бу дегани, бозори гуллаган асардир. “Махфий қаҳрамонлар” ҳаётини олиб чиққан мазкур тур дарров оммалашди. Тезда ёйили- шининг асосий сабаби эса – олам- шумул муаммолар кўтарилгани эмас, бор-йўғи одамларнинг эҳтиросларини

Сусан Колглизнинг “Яланғоч ўйин” ро- мани ва Жеф Киннинг “Заиф кундалик” романи 25 млн. доллар атрофида сармом тўплаган. Гарри Поттер ҳақидаги туркум романлар муаллифи Жоан Роулингнинг ҳам кейинги асари унга 13 млн. доллар- лик маблағ келтиргани ҳисоб-китоблар натижасида аниқланди.

Юқоридаги асарларнинг ҳеч бири миллийлигимизга мос эмас. Ян-йиқит, ўғрилиқ, жинсий зўравонлик тарғиботи бу романларда экс этган. Ваҳоланки, уларни бирорта сотувчи ўқиган эмас. Аммо шу турдаги асарлар китоб дўконларини эгаллаб, ўз харидорини топиб улгурган. Шулардан бири, “Даиди кизнинг дафтари”дир. Бу асар ҳам 30 минг ададда чиқарилгани унинг анча кўлма-кўл бўлганини тасдиқлайди.

Адабиёт доим вақт

КИТОВ СОТУВЧИ ЎҚИЙДИМИ?

Яқинда ўртоғимга совға излаб шаҳар марказидаги китоб дўконига бордим. Ботартиб, йўналиши, нархига мувофиқ тахланган хилма-хил китобларни кўриб завқим келди. Шунчасини ўқийшини ўзи осонми?.. Осонмас, энг зарурларини топиб ўқиш ҳам яхши. Эшитишимча, шу кунгача нашр этилган жами асарларни ўқиш учун инсоннинг ўртача умри етмас экан. Маълумотларга кўра, 68 ёшли киши кунига ўртача ҳисобда юз эллик бетдан ўқиса, бор-йўғи ер юзидаги китобларнинг 20 фоиздан кўпроғини мутулаа қиларкан. Хуллас, китоб дўконигади томлиқка тикилдим. Болалар адабиёти, илмий, барча фанларга ихтисослашган, хорижий тилдаги кўлланмалардан қай бирини тан- лашни билмай хижолат тортидим.

Ичига “шўнғиб” чиқмагунча барча- сини харид қилишни истайсиз. Ўртоғим бадий, детектив мавзудаги китобларни ёқтиради.

– “Абадий келинчак...” Чингиз Айт- матовнинг асарими? Биринчи марта эшитишим, ким таржима қилган?

– Билмадим, ўқиб кўринг-чи!

Ўқиб кўрдим, Суюн Қораев таржимаси. Бу асарни адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров ҳам ўзбекчалаштирган, “Мангу қайлик қулаётган тоғлар” деб. Дугонам бу романни аллақачон ўқиган, бир сафар гапириб берганди. Яна нарироқдаги чи- роили муқовалар эътиборимни тортиди, сурилдим.

Дарвоқе, Моҳина Навоийни ўқийди. “Махбуб ул-қулуб”ни бир сафар сўрагани ёдимга тушди. Дарров сотувчига юзландим.

– “Махбуб ул-қулуб” борми?

– Оббо, синглим, китоб ўқишга вақт йўқ, кейин бунга хоҳиш ҳам керак. Сотсак, фойда кўраимиз, шу маъқул.

– Зарур бўлса, қидирса...

– Топиб олинг, дейман. Кўпчилик бетига қизнинг расми бор асарни сочи топи олялти. Ичида қизик воқеалар бор экан. Қамоқхонадан қочган қизнинг ҳаёти ёритилган.

...“Одамлар китоб ўқишдан тўхтасалар, фикрлашдан ҳам тўхтайдилар”, – деган эди француз мутафаккири Дени Дидро. Афсуски, ҳаётда пул топишни китоб ўқиш билан баҳолайдиганлар топилади.

– Фармацевт дори тавсия қилишдан

олдин шифокорнинг ташхис қоғозини сўрайди, – дейди УЗМУ магистранти Диёр Мавлонов. – Ёзилгани беради, ёки ўзи тавсия беради. Ахир, бу бир инсоннинг тақдири. Китоб ҳам инсоннинг эртасига дахлдор, унинг келажагига таъсири катта. Демак, китоб сотувчи китобхоннинг ёши, психологияси ва қизиқишига қараб, асар тақдим этиши керак. Ҳозир шу даража- да турли йўналишдаги, ҳар хил гоғлар синдирилган адабиётлар кўпайганки, қай бирини танлашни билмайди, киши. Айниқса, хусусий нашрлар ривожланаёт- ган бир пайтда. Менга қолса, тавсиядан аввал уни одам ўзи ўқиши, таъсирланса кейин атрофидагиларга улашиши лозим.

Дарқоқиқат, сотилаётган китоблар замирида қандай гоғ, мақсад, маъно ётганини билмаган мурак қалб қандай хатолар қилиши мумкинлигини барча тушунавермайди.

Китоб танлаш ҳам катта маҳорат. Ай- тайлик, турли хил ғарбона, оқава тушун- чалар тарғиби акс этган асар танлови, бу – фожиа!

– Фарзандларимизга эртак тўпламлари олиб бераётганда эътиборли бўлишимиз шарт, – дейди янгийўллик Фазилат Тошпўлатова. – Аксар сотувчилар болалар адабиётини ўқимайди, ранги, муқоваси асосида танлайди. Демак, дўконга кирганимизда ҳам бевосита уларни варақлаб ўтиришга имкон, шароит йўқ. Шунинг учун иложи борича менталитетимизга яқин, ҳатто хорижники бўлсаям, умуминсоний гоғлар улғулганган эртақларни топиб, сотиб олиб беришимиз керак. Агар дунёқараш кенг, ҳар хил китобларни мутулаа қилган со- тувчи бўлса, жон деб у тавсия берганини харид қилардик.

Мақсад фақат китоб сотиб пул ишлаш эмас, аксинча, ўқувчига салмоқли ва эзгулик улашувчи зиё нурини тарқатиш бўлиши керак.

“Яхши кутубхонага киришинг ўзи

жунбушга келтирадиган воқеалар билан тўлиб тошгани- дир.

Одамларнинг талаблари асрлар остида яшаётган мумтоз адабиёт намуналари томон силжимамай, балки тушунилиши осон, мияни ачитмай- диган ҳамда фикр- лашга ундамай- диган пуч, китоб дўконларидаги ую- либ ётган милли- онлаб нусхада чоп этилган асарлар – уйдирма ва саф- саталар намунаси томон оғди. Ута жўн, худди порно- графия фильм- дан ўғирланган сюжетни эслатув- чи катта боблар оҳанрабодек маълум аудито- рияни ўзига тортиди.

Терри Саузернинг “Асал қиз” романи айнан бестселлерлик чўққисидир. Аслида, энг кўп ўқилган китоб, энг катта даромад келтирган асар деганимас. Буни далиллаш учун куйидаги рўйхатга назар ташлаш кифоя. Унда ёзувчиларнинг беҳисоб маблағ йиғишига сабаб “шедевр”лар ўрин эгаллаган. Буюк Британиялик адиба Э. Л. Жеймсининг “Кулраннинг 50 тури” романи, Жеймс Петерсоннинг “Алекс Кроос” детектив романи ҳам умумий аудиторияни ўз домига тортиди. Бу бестселлернинг умумий жамғармаси 30 млн. доллардан юқорилиги молиявий журналлар томонидан айтилмоқда.



билан ҳисоблашди. Саҳифа, қатор учун қалам ҳаққи олиш де- гани, уйдирма ва олди- қочдиларни ёзish де- гани эмас-ку! Майли, ижод эркиндир, бироқ кўнғил иши – даро- мад ишига айланмас- лиги керак.

Бугун компьютер, интернет, телефон ом- малашдики, уларсиз ҳаётимизни тасаввур эта олмаимиз. Янгили- кларни газетадан эмас, балки интернетдан ўқишни ёқтираимиз, бу ҳам замон талаби.

Аммо китоб- нинг ўрни ва қадри бебаҳо, шубҳасиз.

Яқин ўт- мишда ўзбек тилида китоб чоп этиш осон бўлмаган. Шун- дай дориламон замон- да китобга эҳтиёж янада ошши керак. Маънавиятимиз- ни бойитиш, аввало, барчамизнинг ўз кўлимизда. Шу оддий ҳақиқатни англасак, вазиғамизни виждонан адо этамиз.

– Тез-тез «КИТОВ OLAMI» маъна- вий-маърифий савдо мажмуасига бо- раман, – дейди ТАТУ талабаси Мир- салим Файзуллаев. – Қандай асар қидираётганимни айтсам, дарров топиб беришади. Вақтимни ҳам ютқазмайман, яна қўлайлиги – ундан жуда катта маъна- вий озуқа оламан. Сотувчи ўқимишлилиги шу ерда жуда фойда бераркан, ҳам сав- дога, ҳам ўқувчига...

Мафтуна ШАМСИЕВА

“НАСАФ МАХСУС СУВ ҚУРИПИШ ТАЪМИРСОЗЛАШ”
МАСЪУБИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ЖАМОАСИ

“Сув келтирган элда азиз”, дейди доно халқимиз. Улкан сув иншоотларини бунёд этиб, юр- тимизни боғу бўстонга айлантиришга муносиб улуш қўшиб келаётган мазкур МЧЖда бугун 23 киши самарали меҳнат қилиб келяпти.

– Бўлим бошлиғи Умид Ражабов, Аброр Сафаров, Нодира Абдусаломова, Зилола Худойбердиева, Анвар Тўлаев сингари муҳандис-техник ходимлар хизмати айниқса, таҳсинга лойиқ. Уларнинг меҳнати қадрланиб, элда эъзоз топяпти, – дейди жамият раиси Орифназар Имомназаров.

Барча юртдошларимизни бахтимиз Қомуси қабул қилинганининг 24 йиллиғи байрами билан чин қалбдан муборакбод этамиз!

Сухат-саломатлик, бахт ва омад тилаймиз!

Хўжайилмконидаги ОЛТИ АСРЛИК ЧИНОР

Тарихга назар

Қашқадарё вилояти кўпгина тарихий обидалари, кўпсанлиқ дарахтлари билан ҳам машҳур. Шулардан бири Хўжайилмконидаги улкан чинор дарахтидир. Китоб тумани марказидан 12 километр Шарқдаги "Севаз" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудиди 8 та қишлоқ бўлиб, 17 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Майдони 5534 квадрат метр бўлган қишлоқда Мавлоно Боқибилло Хўжайилмконидаги ҳамда бу улғу зотнинг оталари Хўжайилмкони Оқсув зиёратгоҳлари жойлашган...

Биз тушган машина йўлнинг ун томонидаги кўчага бурилиб, торгина йўллардан тўғри Хўжайилмкони қишлоғига етиб келди. Ҳисор тоғ тизмаларидан оқётган зилот сув, бу ердаги тақорлама-мас табиий гўзаллик ҳар қандай кишини лол қолдиради. Кўкка буй чўзган миз-затераклар қишлоқ табиатини янада мафтункор қилиб кўрсатади.

— Ҳар иккала зиёратгоҳ 2011-2014 йиллар давомида ҳомий ташкилот вакиллари томонидан таъмирланиб, яна ҳам гўзал манзара кашф этди, — дейди "Севаз" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Насриддин Қаландаров. — Қишлоғимиз нафақат мева-чевалар, балки улкан ва қадимий дарахтлари билан ҳам машҳур. Оқсув зиёратгоҳидаги олти асрлик улкан тут дарахтини кўпчилик зиёрат қилишга ошмакди.

— Эсимда, — дейди Хўжайилмкони қишлоғида яшовчи 80 ёшли Тошхон бобо Хуррамов. — Бизнинг болалигимизда чинорнинг баландлиги 50-60 метр чамасида эди. Ҳар йили баҳорда

чинорга 33 та лайлак жуфти билан келиб, тухум қўйиб болаларди ва полапонларини шу чинордаги саватдек иниди парваришлаб, учирма қиларди. Ота-боболаримизнинг айтишича, лайлак келган жойда файз-бароқа, ободлик бўларкан. Кейинчалик лайлақлар негадир келмай қолганидан ҳамма ҳайрон қолишди. Маълум бўлишича, болалар ёшлик қилиб озор етказгани учун лайлақлар бу ерни тарк этишган экан...

Бир муддат чинор атрофи ободонлаштирилмади. Тошхон бобо Хуррамов бош бўлиб қишлоқдошлари билан ушбу чинор атрофини ободонлаштиради. Бу эса барчани хурсанд қилди. Мустақиллигимиз шарофати билан қадриятларимиз тикланиб, қадимий зиёратгоҳлар, қадамжолар обод бўлиб, халқимизнинг бебаҳо меросига айланди, бу жой. Ҳозир ҳам диёримизнинг турли гўшаларидан улкан чинорни кўргани меҳмонлар келиб туришади. Эндиликда бу улкан чинор нафақат қишлоқнинг, қолаверса, туман, ҳатто вилоятимизнинг ҳам кўрки. Тошхон бобонинг айтишича, тахминларга кўра ушбу чинорнинг ёши 1200-1400 йилларга бориб тақалади. Унинг ичи ковак бўлиб, эни 3, бўйи эса 4,5 метрни ташкил этади. Улкан чинор 35-40 кишини тик ҳолатда ичига бемалол сифдира олади. Жамиятимизнинг олтин меросига айланган чинорни томоша қилгани бу ерга келаётганлар сафи ортиб бораётир.

— Юрган дарё, дейдилар. Ушбу чинор ҳақида эшитгандик. Юртимиз бўйлаб саёхатимиз давомида бу ердаги



чинорни кўргани келдик, — дейди андижонлик Яҳё ака Комилов. — Қашқадарёнинг жаннатмакон гўшалари ҳақида эшитганмиз. Кейинги сафар албатта, Ҳазрати Башир қишлоғига борамиз. Шаҳрисабз шаҳрида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ва Амир Темур қурдирган Оқсаройни кўрдик. Буларнинг барчаси халқимизнинг ўзаро тоқувлиги, юртимиз тинчлиги туфайлидир. Чинор ҳақида фарзандларимизга ҳикоя қиламиз. Халқимизга чинор умридек умр тилаймиз.

Чинор ҳақида яна кўп ва хўп гапириш мумкин. Яхши-си, бу ерга қадам ранжида қилиб, афсонага айланган дарахтни ўз кўзингиз билан кўринг.

Шавкат СУЛТОНОВ,
"Оила ва жамият" муҳбири



Гулзодажон! Бу галги мактубимда маҳкума Гулшоданинг бу ерга келиб қолиши воқеасини ёзиб юборялман. Уни ишламай пул топиш илинжи кўзини кўр қилган экан.

... — Болалигимдан ҳамма нарсам бўлишини орзу қилардим. Ота-онам оддий ишчи бўлгани учун мен бойвачча дугоналарим каби кийинолмасдим. Чунки оилада беш фарзанднинг кенжатоий эдим. Гоҳида дугоналарим кийган кўйлақларидан олиб беришини айтиб, онамга хархаша қилардим. Афсуки, кўз ёш тўкканим қоларди. Онам уйдаги шароитни қанчалар тушунтирмасин, мен тушунишни истамасдим. Кўпинча опамларнинг кичкина кийимларини кийишга мажбур эдим.

Мактабда бойвачча дугоналаримга хавасланардим. Чунки улар ўзлари хоҳлаган кийим-кечақларни кийиб келишар, тилла тақинчоқ тақашар, бизга кўз-кўз қилишарди. Шундай дамларда, мен ҳам бир зумда бой бўлиб кетишни, чиройли кийинишни, автомашинада юришни орзу қилардим. Вояга етганимда уйимиздан совчилар аримай қолди. Мен эса бойвачча йигитга турмушга

чиқишни истардим. Афсуки, орзуларим саробга айланди.

Қариношимизга узатишди. Ҳаётимдан нолимайман. Чунки турмуш ўртоғим кўнглимга қарайдиган, самимий, олижаноб эди. Ширингина турмушимдан иккита фарзанд бор. Аммо ҳеч қаерда ишламайман. Чунки мактабни тугатганимдан сўнг бирор жойда ўқишни давом эттиришни хаёлимга ҳам келтирмаганман. Бирор хунарни ҳам ўрганмаганман. Бироқ турмуш ўртоғим заводда оддий ишчи бўлиб ишларди. Қайнукамни уйлантирганимиздан сўнг қайнотам ва қайнонам бизга бир хонали "дом" олиб бериб, бўлак қилишди. Мустақил яшай бошладик. Фарзандларимни боғчага жойлаштирдим. Эримнинг толганига қаноат қилмай уйда ўтириб, ишламасдан бойиш йўлларини, пул топишни ўйладим. Режалар туддим. Бу ҳақда турмуш ўртоғимга ҳеч нарса демадим. Режамга кўра орамазда яшаётган содда, тўпори, меҳнаткаш одамларни алдаб-авраб, кўпроқ пул

Шобердини ҳам иккаламиз бир амаллаб, Қозоғистон Республикасига ўтказиб олдик. Кейин ҳар доимгидек қозоғистонлик шерикларимизга уни ҳам худди кулдек сотиб юбордик.

қилаётган, аммо моддий қийналган она-бола Зухра ва унинг вояга етмаган қизи Марямни, ҳаттоки ўз укаси Суюнкул ҳамда келини Дилсорани топиб, уларни алдашга муваффақ бўлди. Уларга Қозоғистоннинг чегараси ёнида 50 гектар ери борлигини, у ерда деҳқончилик билан шуғулланиши мумкинлигини, ҳамма шароит яхшилигини, ишлайман дейдиганлар учун ойига 500.000 сўмдан маош

НАФС БОШИМНИ ҲАМ ҚИЛДИ

Надоматли мактублар

беришини айтди. Соддадил одамлар бўлса, унга ишониб, бу таклифига ўйлаб ҳам ўтирмай кўнди. Эртаси куниёқ Нурмурод уларни Ўзбекистон чегарасигача олиб борди. Кейин мен билан учрашди. Икков биргаликда содда ва гўл одамларни Ўзбекистон Республикаси чегарасидан

Қозоғистон Республикасига ноқонуний йўллар билан чегарани бузиб олиб ўтдик. Қозоғистонда яшовчи шерикларимиз Қаноат ва Жандозга кўнгирак қилиб, улар билан учрашиб, одамларни худди маҳсулотлардек сотиб юбордик. Шерикларимиз эса Зухранинг паспортини зўрлик ишлатиб олиб қўйишди. Кейин уларни мажбуран ишлатишди. Орадан бир ҳафта ўтган, Нурмурод тузоғига Шоберди деган йигит илинганини менга хабар қилди. У Шобердига ҳам Қозоғистон чегарасига етмасдан 50 гектар ери борлигини, у ерда ишлайдиган одам кераклигини, ойига 500.000 сўм маош тўлашини, яшаши учун у ерда барча шароит муҳайёлигини айтиб, унинг ишончига кирибди. Шобердини ҳам иккаламиз бир амаллаб, Қозоғистон Республикасига ўтказиб олдик. Кейин ҳар доимгидек қозоғистонлик шерикларимизга уни ҳам худди кулдек сотиб юбордик. Қаноат билан Жандоз Шобердининг фуқаролик паспортини куч ишлатиб олиб қўйишди, ўзини турли юмушларни бажаришга мажбурлашиб, ундан фойдаланишди.

Бироқ "Ойни этак билан ёлиб бўлмайди", деганидек қинғир ишларимиз фош бўлди. Турмуш ўртоғимнинг толганига қаноат қилиб, фарзандларимни ҳалол йўллар билан боқшим мумкин эди. Аммо бойлик орттириб хисси кўзларимни кўр қилиб қўйганди. Мен аёл деган номга ҳам доғ туширдим. Энди пешонамга бир умр "қамалиб чиққан" деган тамга совилади. Фарзандларим бу тамгани қандай кўтариб юраркин, деб ўйламан-у, эзilib кетаман.

Хонбиби Ҳиммат қизи ёзиб олди.

Автобусда кетаётиб ўрта ёшлардаги икки аёлнинг суҳбати беихтиёр қулогимга чалинди:

– Гулнор, ўғлингнинг тўйдан бери кўришмабмиз, қара? Оқибатсиз бўлиб боряпмиз, дугонажон. Аммо жуда данғиллама тўй қилдинглар. Бир яйрадим-да, ўшанда.

– Данғилламаси ҳам бор бўлсин. Бир ой ўтмай келиним кетиб қолди. Ўғлим яшамайман деб, оёқ тираб олган.

– Вой, нега? Қудаларинг бамаъни одамларга ўхшаганди-ку.

– Бамаъни дейсанми? Қўйсанг-чи. Ўлгудай курумсоқ одамлар экан. Тўйдан кейин қизи миниб юрган машинани ҳам олиб қўйишди. Нима эмиш: “Биз ҳамма нарасага ўз кучимиз билан эришганмиз. Ёшлар ҳаётнинг аччиқ-чучугини ўзлари тотишсин, бахтли бўлиш учун ҳаракат қилишсин”, эмиш. Уйимни ҳам



Қўша қариганлар

шундай дориломон кунларни кўриш бахти битилган экан. Бунинг учун минг бора шукр. Етти фарзанд, ўттиз уч на-вара, етмиш етти эвара, уч чеварамиз бор. Болаларимни ўқитувчилик касби орқасидан бокиб вояга етказдим. Эллик йил педагог бўлиб ишлаб, нафақага чиқдим. Ҳамма кунларни ўтказдик, қийинчиликка чидадик, меҳнат қилдик. Тинчлик, хотиржамликнинг қадрини мендан сўранг. Мана шу йилларда ҳаммаша ҳамроҳ, суянчиқ бўлган азиз инсоним – мана шу оингиз бўлади, – дейди отахон онахонга ишора қилиб. – Агар шу аёл менинг толганимга қаноат, оғиримга сабр, оиламни саранжом, болаларни тўғри тарбия қилмаганда бу кунларга етиш мушкул эди.

ЕТМИШ ЙИЛЛИК ТУРМУШ

қойиллатиб ясатишгани йўқ.

– Яхши бўлмабди, дугонажон. Лекин бир ҳисобдан бўлмаган иш бошидан бўлмагани яхши. Мана, ўзимдан қиёс. Ўн саккиз йил чидадим. Ақлим бўлса ўқитувчиғам турмушга чиқаманми? Оладиган арзимасгина ойлигини кутиб сочим оқарди. Ажрашдим.

– Эсинг жойидими, фарзандларинг буй етганда-я?!

– Ана шу буй етган болаларни уй-ли-жойли қилишим керакми? У кишим миззақуруқ бўлса... Э қўй, дугонажон.

Суҳбат шу нуқтага етганда қулоқларим том битди. Нафасим бўғилди. Автобусдан тушиб қолдим. Одамларга нима бўляпти? Биз ёшлардан нолиймиз, катталар шунақа бўлгач, ёшлардан хафа бўлишининг ўзи қулгули. Ҳаётни ўйин қилиш, оила деган муқаддас кўрғон, никоҳ ҳақида бу қадар калта ўйлаш қаердан пайдо бўляпти?..

Шу ўйлар билан дилим хуфтон бўлиб турган эди, қўл телефоним жингладди.

– Алло, синглим, яхшимисиз? Сизнинг қўл телефонингизни беришган эди. “Оила ва жамият”да ишлар экансиз. Бу газетани оиламиз билан севиб ўқиймиз. Бир илтимосим бор эди.

– Эшитаман, гапираверинг.

– Ота-онам ҳақида ёзишнинг иложи борми газетга. Уларнинг турмуш қуришганига етмиш йил тўлди.

– А? Неча йил?

– Етмиш йил.

Бир лаҳзада кўнглим ёришди. Гўё боғий икки аёлга зарба бергандек ўзимни ғоз тутиб, албатта, бориб у икки нурли чеҳрани зиёрат қилишга аҳд қилдим. Пойтахтимизнинг Яққасарой туманидаги “Қушбеги” маҳалласига шошилдим. Саранжом-сарашталигидан кўнглини яйратадиган ҳовлига кириб

бу файзнинг сирини англадим. Ёши элликлардан ошган хонадон соҳиби Абдуҳалил ака мени очик чеҳра билан қарши олди. Падарибузруквори Абдуҳаким ота ва волидаи муҳтарамаси Роҳатой аянинг ҳузурига бошладди.

Ичкарига кирар эканман, гўёки хонадан нур таралаётгандек бўлди. Албатта, қарийб бир аср ўз кучини кўрсатган: елкалар чўккан, кўзлар хира тортган, юзларда ажин Вақтнинг бу излари ёшлик, оила, турмуш ташвишлари, фарзандлар, касб, қўйинги, умрнинг ҳар бир лаҳзасидан сўзлайди.

Қариялар билан узок суҳбатлашдим. Абдуҳаким ота ёшлигини, Иккинчи жаҳон уруши йилларини хотирлади.

– У кунлар ҳақида эслаш ҳам оғир, болам, – деди чуқур хўрсиниб. – Шукр, омон қайтдик. Урушдан кейинги очарчиликни айтмайсизми? Бир бурда нонга зор эдик. Мана, пешонамизга

– Бувижон, наҳотки бирор марта уришмаган, аразлашмаган бўлсанглар, – дейман қувлик билан.

– Уришиб-талашсак, шу ёшга етармидик, қизим. Бобонгиз ҳаммаша мени авайлаб, ардоқлаб келди. Ўқитувчи эмасми, доимо у кишидан сабоқ олиб яшадим. Болалар тарбиясида, қариндош-уруғ, ҳаёт билан муносабатни шу инсондан ўргандим.

– Қўша қарининг сирини нимада?

Иккиси ҳам бир-бирини тўлдириб, “Сабрда, шукрда, қаноатда. Кечиримликда, бир-бирини тушуниб яшашда”, – дея жавоб беришди.

Бу пиру бадавлат, чинакамига бой кексаларнинг дуосини олиб, хайрлашар эканман, мана шундай одамлар борлиги, кўплиги учун ҳам миллатимизга ҳавас қилишларини яна бир бор англадим.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА

ҚИЗИМ ИШҚИЙ КИТОБЛАРГА ЎЧ БЎЛИБ ҚОЛГАН...

...Ўн беш ёш қизимга гапимни ҳеч ўтказолмаяпман. Хонасидан севиб ҳақида китобларни топиб олдим. Бу китобларни ўқишга ёшлик қилишини айтгандим, жаҳли чиқди. Унинг тарбиясидан ҳавотирдаман. Нима қилсам экан?..

Сурайё, Жиззах вилояти

Дилором Саъдуллаева, психолог:

– Қизингизга ғамхўр бўлинг, аммо бу унинг ҳар бир қадамини пойлаб, буюмларни яширинча титқилаб юринг, дегани эмас. Бу ёшдаги ўсмирлар ўта таъсирчан, айниқса, ташқи таъсирга берилувчан бўлади. Ишқий китоблар ўқиш, шу мавзуга доир фильмларни томоша қилишга жуда қизиқади, ташқи киёфасига кўпроқ эътибор бера бошлайди. Ўғил болаларда соч қўйиш, дурустроқ кийиниш иштиёқи туғилади. Улар ўзига оро беришни, гўзал кўринишни истайди, ораста кўринишга уринади. Бу табиий ҳолдир. Қизингиз билан худди сирдош дугоналардек яқин бўлишга интилинг. Дўстона муносабатлар жараёнида эҳтиёткорлик ва ҳушмуомалалик муҳим. Бошқа вазиятларни мисол келтириб тушунтиринг. Ўсмирликнинг ўзига хос хусусияти катталардан жиддий муносабатни тақозо этади. Катталар улар фаолиятини назорат қилишлари лозим. Акс ҳолда, ўсмир ҳаётида ноҳушликлар пайдо бўлиши мумкин.



Сўранг, жавоб берамиз

ЎҚИТУВЧИЛАР ЎҚУВЧИЛАРИМДАН НОРОЗИ

– 9-синфга синф раҳбариман. Ўқувчиларимни бешинчи синфдан бери биламан. Менга ҳеч қачон ҳурматсизлик қилишмаган. Лекин кейинги пайтда айрим янги ўқитувчилар уларнинг хулқидан норозилигини айтишмоқда. Билмадим, беш йил мобайнида ўқувчиларим ўз фарзандимдек бўлиб қолгани учунми, уларнинг камчилиги сезилмаяпти...
Манзура, Шайхонтоҳур тумани



– Юқори синф ўқувчилари маънавий хислати билан бошқа ёшдагилардан кескин фарқ қилади. Улар ҳам жинсий, ҳам жисмоний, ҳам ақлий етиладилар. Шу туфайли улар вазим, мулоҳазали, катталарга ҳурмат-эҳтиром билан қарайди. Нолиётган ўша ўқитувчиларни ўзингиз кузатинг. Балки улар ўқувчилар талабини қондирадиган даражада билим беролмаётгандир ёки ўша ўқитувчиларнинг феъл-атворида кўзга яққол сезиладиган қусур бордир? Ўсмирлар ҳаётга, одамларга идеал тарзда қарайдилар ва натижа улар кутганчалик бўлиб чиқмаса, ўша одамга нисбатан норозилигини намоён қилади.

У.АДИЗОВА тайёрлади.

ДОИМИЙ ПРОПИСКАСИ ЙЎҚЛАРГА КРЕДИТ БЕРИЛМАЙДИМИ?

Тошкент шаҳрида ишлайман ва шу ерда яшайман. Аммо доимий пропискага қўйилмаганман. Яқинда истеъмол кредити олиш мақсадида банкка мурожаат қилдим, аммо доимий пропискага эга бўлмаганим сабабли, доимий рўйхатда турувчи жойимдан кредит олишим мумкинлигини айтишди. Шу тўғрими? Кредит олиш учун қандай маълумотлар керак бўлади?

С. Сафаров

Нозима Эрназарова, ҳуқуқшунос:

Ўзбекистон Республикаси “Истеъмол кредити тўғрисида” ги 2006 йил 6 май 133-сонли қонуннинг 8-моддасига биноан истеъмол кредитини олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати белги-ланган бўлиб, ушбу моддага мувофиқ қуйидаги маълумотлар кўрсатилди;

Истеъмолчининг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорти (ёки паспорт ўрнини босувчи ҳужжати) серияси ва рақами ҳамда яшаш жойи;

истеъмол кредитининг объекти; истеъмол кредитининг муддати; истеъмолчи томонидан шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули.


Ушбу қонуннинг 9-моддаси талабларига биноан кредит буюртмаси истеъмол кредити берувчи ташкилот томонидан кўриб чиқилаётганда қуйидагиларнинг таҳлили амалга оширилади; истеъмолчиларнинг даромади етарлилигини ва кредит тарихини аниқлаш;

кредит буюртмасида баён этилган маълумотларнинг бир-бирига зид эмаслиги;

истеъмол кредити суммасини қайтаришнинг мақбул истиқболлари мавжудлиги.

Юқорида кўрсатилган норма талабларига биноан истеъмол кредити олувчи шахс даромади тўғрисидаги (ишлаган жойидан маълумотнома) ҳужжат билан доимий яшаш жойидаги кредит ташкилотларига мурожаат қилиши керак.

Ифтихор СИДДИҚОВ тайёрлади.



Ўсмирлик нисбатан кескинроқ, мураккаброқ кечиши билан фарқланади, мураккаб руҳий ва жисмоний дардир. Бу жараён "ўтиш даври", "огир давр", "инқироз даври" каби иборалар билан аталади. Ўсмирлик 11-12 ёшдан, 14-15 ёшгача бўлган даврни ўз ичига олади. Аксарият ўқувчиларда ўсмирлик ёшига ўтиш, асосан, 5-синфдан бошланади.

Тоҳир Малик, Ўзбекистон халқ ёзувчиси
"ЭНДИ БОЛА ЭМАС, БИРОҚ КАТТА ҲАМ ЭМАС"

Бу таъриф ўсмирликнинг муҳим хусусияти. Бу босқичда болаларнинг жисмоний ва руҳий ўсиши жуда ривожланади, турли нарсаларга қизиқиши, янгиликка интилиши ортади, феъл-атвори шаклланади, маънавий дунёси бийидаи ва шу билан бирга, айрим зиддиятлар авж олади. Кўпчилик ота-оналар фарзандининг ўсмирлик давридаги ўзгаришларига, феъл-атвори, тарбиясига эътибор бермайди. Фарзан-

муаммоларини ўзи ҳал қилишга уринади. Энди ўсмирга катталар томонидан кўрсатилмаган илтифот, эрқалашлар

"Бугунги кунда жамиятимизнинг юзини қора қилгучи пасткашлар, ёмонлар, бебошлар, ўғриллар, гийҳвандлар ва нашавандлар... кечаги тарбиясига эътибор берилмаган болалардир"...
Абдулла Авлоний

эриш туюлади. Оиладан ташқарида бирортасидан дақиқа эшитиб, калтак еган тақдирда ҳам бу ҳақида ота-онасига билдирмасликка интилади. Имкон

Мулоҳаза


баҳосининг янада пасайиб кетишига, невроз ҳолатининг вужудга келишига ва ҳатто, психик бузилишларга олиб келиши тайин.

Баҳриддин Зайниддинов, Тошкент солиқ коллежи директори:

– Илгари ўсмирлар учун мўлжалланган фильмлар бўларди. Ўқитган китобларимизни ота-оналар, ўқитувчилар назорат қилишарди. Баъзан қизиқиб хориж сериалларини яширинча томоша қилганимизни қуриб

ИККИНЧИ ТУҒИЛИШ

ёхуд бола эмас, катта ҳам эмас...



"... Одам ўсмирликда иккинчи бор туғилади ва бутунлай ўзгача оҳангда дейдики: "Энди мен қанотларингиз остидаги полапон эмасман, ҳадеб кўлимдан ушлаб етаклайверманг, ҳадеб изимдан юраверманг. Босган қадамларимга ишончсизлик қилмай қараманг. Йўрғакда тутишга интилманг, бешиқдаги ҳолимни унутинг. Мен мустақил одамман. Мен рўпарамдаги баланд тоғ чўққисидан ўзим ошиб ўтмоқчиман. Бу - менинг ҳаётдаги мақсадим. Рўпарамдаги уфқ тобора кенгайпти. Кўпроқ одамларни кўрайман. Уларни тушунишга уринаяпман. Меҳр ўрнига адолатсизлик, илм ўрнига жоҳиллик, шафқат ўрнига зулмни кўрганимда кўркиб кетаяпман. Бу борликда таянчга муҳтожлигимни сезяпман, ақлли, доно, адолатли одамга зорман. Кучли ва донишмандга суюнсамгина чўққига чиқа оламан. Аммо мен буни ҳеч кимга айта олмайман. Муҳтожлигимни тан олишим — мен учун иснод. Ҳамма мени «мустақил қадам ташловчи одам бўлиб етилибди, чўққини ўзи забт эта олади», деб ҳисоблашни хоҳлайман..."

дининг юриш-туришида ноодатийлик сезилса ҳам, "Болам, ҳозир ўтиш даврида", дея унинг руҳий-маънавий ва жисмоний ҳолатига бепарво бўлишади. Оқибатда эса ўсмир билиб-билмай хато қилиб қўйиши, жиноят кўчасига ёхуд ахлоқсизлик домига тушиб қолиши мумкин. Энг ачинарлиси, бундай пайтда ота-она яна ҳамма айбни боласига тўнкайди. Шундай ҳолатларга тушмаслик учун, аввало, болага у туғилганидан бошлаб гўзал хулқ, чиройли одоб ўргатиш зарур. Ўсмирлик даврида унга эътиборни бир неча ҳисса ошириш зарур.

РУҲИЙ БЕЛГИЛАРИ

Ўсмирнинг ўз-ўзига ва атрофдагиларга шу жумладан, ота-онага муносабати қатъийлашади. Унинг қизиқишлари, ўз-ўзини баҳолаши ўзгаради ва болада ўз "мени"нинг аҳамияти ортади: кувватнинг кескин кучайиши, патоген таъсирларга сезгирлик туғилади. Ақлий, жисмоний толиқиш, узоқ муддатли асабий зўриқиш, аффектлар, кучли салбий ҳиссиётлар, кўрқиш, ғазаб, хафагарчилик нерв системасида функциянинг бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Натижада таъсирчанлик, ўзини тутат билмаслик, парижонхотирлик, иш унуми пасайиши, уйку бузилиши кабилар намоён бўлади. Ўсмир катта одамлар сингари мустақил бўлишга, ўз

қадар уйд-гилар унинг "ишлари"га аралашмаслигини хоҳлайди.

Дилором Саъдуллаева, психолог:

– Айримлар ўсмир фарзандининг бу ҳолатидан хавотирланиб, уни янада тергай бошлайди. Бу ҳолат албатта, унга ёқмайди, натижада оилада муносабатларга дарз кетади. Йигитни ижтимоий фаолиятга тортиш, жисмоний баққуват бўлишини таъминлаш, маиший меҳнат фаолияти орқали турли касбларга йўналтириш ва жамоатчилик орасида ўз ўрнининг топа олишига кўмаклашишга ўргатиш мақсадга мувофиқ. Ўз хатти-ҳаракатлари учун жамият, қонун ва ота-она олдида жавобгарлик туйғуларини шакллантириш, ижтимоий фаолият ва мустақил дунёқарашни юзага келтириш лозим. Кўпчилик олдида уни изза қилиш, кўнглига тегиш нотўғри. Чунки шу жараёнда қаттиқ танбеҳ олгани учун жонига қасд қилганлар кўп кузатилган. Ўсмирни тарбиялашда унинг хусусиятларини тўла ҳисобга олган маъқул. Айнан ўсмирлик даврида камчиликлар ўз вақтида аниқлаб бартарай этилмаса, шахс камолотига жиддий салбий таъсир этиши эҳтимоли юқори. Яъни бу ҳолат шахсни ўз-ўзига берадиган

қолишса, аёвсиз жазоланардиқ. Бугун айрим ўсмирлар оилада ота тарбиясидан мосуво. Айрим оналарнинг ўзи эста тарбияга муҳтож.

Фарзанди ўсмир ёшида бўлган ота-она масъулият ҳиссини бир неча баробар кўпроқ туйиши шарт.

Фарзанд ота-онага омонат. Бола қалби пок, нозик, содда ҳамда ҳар қандай нақш ва суратдан холи гавҳардир. Унга қандай нақш солинса, шунга монанд шаклланади, хоҳлаган томонга эгилади. Агар бола яхшиликка ўрганиб, яхшилик ичида вояга етса, дунё ва охираат саодатини топади. Агар бола эътиборсиз ташлаб қўйилса, бадбахтликка юз тутади ва ҳалок бўлади. Бунда гуноҳ юки болани шу кўйга солганларнинг, ота-онанинг зиммасига юкланади.

(Ҳикматлар гулдastasидан)

Тарбия бериш меҳнат орқали кечса, ўсмир қониқади. Жиддий ишлар эса уларнинг маънавий дунёсини кенгайтиради. Қуруқ насиҳат ва ваъзхонлик билан эмас, аксинча, ибрат орқали тарбия жараёнида яхши натижага эришиш мумкин.

У.ТУРСУНОВА

ДАНАГИДАН МАҒЗИ ШИРИН ЭМАС(МИ)?

Дарвоза ёнини супураётгандим.

Кўшним Акмал бобо келини ва набиралари билан уйдан чиқди. Келиноий дўкон томон йўл олди. Болалар майдончага югуришди. Бобо сизгарет тутатиб, атрофни кузатарди. Шу пайт унинг телефони жиринглади. Шошилиш хабар келди, шекилли, у кетишга чоғланди.

Эндигина такси тутган ҳам эдики, қизчаси Насиба эргашди:

– Мени ҳам олиб кетинг. Бобожон, менам бораю!

У тойиниб бораркан, бирдан йиқилди.

Бобо негадир тутатди:

– Баттар бўл, кўрнамак. Ким сенга шошилгин деди? Йўқол, эргашма, — деб сўкиб берди-ю, жўнади. Қизча ҳам жисмонан, ҳам руҳан жароҳатланди. Умид ила қараган кўзлари маъюсланди.

Аслида, яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам бир оғиздан чиқади. Набирани юпатиш ҳам мумкин эди-ку. Бегона бўлса ҳам майли-я, ўз бобосининг аччиқ даққиси менинг ҳам қалбимни тирнади. Данагидан мағзи ширин, дегани эскирдимикин! Оиладек муқаддас маскандан

оқибат бўлиши керак эмасми?

Дунё кизик,

куч-қувватга эгалар, эртага ёрдамга ва баъзан бир оғиз ширин сўзга муҳтож бўладилар. Шунда набира шундай жавоб қайтарса, айбни кимдан ахтарамиз?.. Албатта, олманинг тагига шафтоли тушмайди.

Ҳадиси шарифларда: "Инсонларга марҳамат кўрсатмаган Аллоҳ ҳам марҳамат кўрсатмайди", дейилади. Шундай экан, болалар тарбияни кимдан ўргансин? Нима бўлганда ҳам катта авлод вақиллари доимо ёшларга ўрнат бўлиши, қўллаб-қувватлаши, уларга иззат кўрсатиши, тўғри йўлга ундаши лозим. Улар тарбияни катталардан ўрганадилар-ку...

Дилноза Жўраева

Оғриқли нуқта

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси,
"Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси
(Болалар жамғармаси) ва
"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир: Воҳид Лўқмонов

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 100000.
Амир Темури кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибхона: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2013 йил 20 мартда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 10-2995 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 1236. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 3642. Баҳоиси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи муҳаррир: О. Жумабоев
III. Мўминова
Мусаҳҳах: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маликов

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ISSN 2010-7609



1 2 3 4 5

Oilavajamiyat

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Буна индекси – 176